

# ЎТМИШГА НАЗАР

МАХСУС СОН

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

СПЕЦИАЛЬНЫЙ ВЫПУСК

---

## LOOK TO THE PAST

SPECIAL ISSUE



**Бош муҳаррир:**  
**Главный редактор:**  
**Chief Editor:**

**Мургазаева Рахбар Хамидовна**  
тарих фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Миллий университети

**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Заместитель главного редактора:**  
**Deputy Chief Editor:**

**Джураева Нилуфар Далибаевна**  
тарих фанлари номзоди, доцент,  
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

**"Ўтмишга назар" илмий журнали таҳририй маслаҳат кенгаши**  
**редакционный совет научного журнала "Взгляд в прошлое"**  
**Editorial board of the scientific journal Looking into the past**

**Кебадзе Мадонна**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Бурдиашвили Майя**

*Доктор исторических наук, Телавский  
государственный университет, Грузия*

**Кожакеева Ляззат Темировна**

*тарих фанлари доктори, доцент,  
Хотин-қизлар давлат педагогика университети,  
Қозоғистон Республикаси*

**Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор, академик,  
Ўзбекистон Миллий университети*

**Бобожонова Дилором Бобожонова**

*тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон  
жаҳон тиллари университети*

**Зияева Доно Ҳамидовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Аширов Адҳам Азимбаевич**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Агзамова Гулчеҳра Азизовна**

*тарих фанлари доктори, профессор,  
ЎЗР ФА Тарих институти*

**Ульжаева Шохистахон Мамажоновна**

*тарих фанлари доктори, Тошкент  
кимё - технология институти*

**Бабаджанова Нодира Абдуллаевна**

*тарих фанлари номзоди, Ўзбекистон  
давлат жаҳон тиллари университети доценти*

**Эргашева Юлдуз Алимовна**

*Тарих фанлари доктори, профессор  
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти*

**Теймураз Ахалмосулишвили**

*профессор, Телавский государственный университет,  
Грузия*

**Халикова Раҳбар Эргашевна**

*тарих фанлари доктори, профессор, Тошкент  
давлат техника университети*

**Ишанходжаева Замира Райимовна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий Университети*

**Кобзева Ольга Петровна**

*тарих фанлари доктори, профессор в.б., Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Одилов Аброр Анварович**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Ерметов Аваз Абдуллаевич**

*тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Саипова Камола Давляталиевна**

*тарих фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон  
Миллий университети*

**Джоробекова Айнура Эшимбековна**

*тарих фанлари номзоди, профессор, Ташқи ишлар  
вазирлиги қошидаги Дипломатия академияси,  
Қозоғистон Республикаси*

**Толипов Файзулла Саидович**

*Тошкент давлат техника университети доценти,  
тарих фанлари номзоди*

Page Maker\Верстка\Саҳифаловчи: Хуршид Мирзахмедов

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)

Phone: (+998-94) 404-0000

## МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

- 67.Уразова Р.**  
МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНДА ЗАРДУШТИЙЛИК ИЛОҲИЁТ  
ТИЗИМИ ГЕНЕЗИСИ ЎРГАНИЛИШИ МАСАЛАЛАРИГА ДОИР.....511
- 68.Улашова С.**  
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИ МАНБАЛАРИДА  
ҚАВЧИНЛАР.....526
- 69.Aminova A.M., Umarov J.O.**  
BOLALARDA VATANPARVARLIK TUYG'USINI  
SHAKLLANTIRISHNING YOSHGA BOG'LIQ XUSUSIYATLARI.....533
- 70.Усманова З., Тишабаева Л.**  
ҚЎҚОН ЖАДИД МАТБУОТИ ТАРИХИНИНГ  
АЙРИМ САҲИФАЛАРИ.....537
- 71.Қобулов Э., Ражабова С.**  
ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ЙИЛЛАРИДА СУРҲОН  
ВОҲАСИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ БУЮК ҲИССАСИ.....541
- 72.Ходжаева Л.Ш.**  
ФАРФОНА ВОДИЙСИ АЁЛЛАРИНИНГ АНЪАНАВИЙ БОШ  
КИЙИМЛАРИДА ЁШ ДАВРИ ТИМСОЛИНИНГ АКС ЭТИШИ.....548
- 73.Ходжамбердиев Х.Э.**  
СОБИҚ ИТТИФОҚ ЖАМИЯТИДАГИ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ЗИДДИЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ ТАЛҚИНИ.....554
- 74.Erqo'ziyev A.A., Isoqov S.M.**  
BUXORO AMIRLIGI SAVDOSI HORIJY MANBALARDA .....562
- 75.Қурбонов Э.Э.**  
ЎЗБЕКНИНГ ТУРКМАН УРУФИ (Зомин туркманлари мисолида).....567
- 76.Юлдашева М.М.**  
БУНЁДКОР ВА ВАЙРОНКОР ҒОЯЛАР: МОҲИЯТИ ВА ШАКЛЛАРИ.....572
- 77.Хосиятов Х.О.**  
МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ.....577
- 78.Хакназаров Х.Д.**  
КУНДАЛИК ҲАРБИЙ ҲАЁТ ТАРИХИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИНГ  
ОБЪЕКТИ СИФАТИДА: НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МУАММОЛАР.....583
- 79.Хатамова З.Н.**  
ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН  
ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР.....590


<b>80.Холмўминов Ҳ.Э.</b> ЎЗБЕКИСТОНИНГ ЖАНУБИЙ ВОҲАЛАРИДА АҲОЛИНИНГ ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРИ (XIX АСР ОХИРИ -XX АСР БОШЛАРИ).....	596
<b>81.Худойқулов Т.Д., Халилов Ж.С.</b> ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА ЕР ЭГАЛИГИ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА САВДО.....	604
<b>82.Ўтанов Х.Ш.</b> XX АСР БОШЛАРИДА БУХОРО АМИРЛИГИ АҲОЛИСИНINГ ЭТНИК ТАРКИБИ ВА ИЖТИМОИЙ ҲАЁТИ ТАРИХИДАН.....	615
<b>83.Эгамбердиева Н.А., Шапсанова Н.Б.</b> ҚАДИМГИ БАҚТРИЯ ТАРИХИНИНГ ЁЗМА МАНБАЛАРДАГИ БАЁНИ ВА ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛ МАСАЛАЛАРИ.....	625
<b>84.Юлдошева Б.М.</b> XX АСРНИНГ 80-ЙИЛЛАРИДА АТРОФ-МУҲИТ МАСАЛАСИГА ЁНДАШУВЛАР ТАРИХИДАН (БУХОРО ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА).....	636
<b>85.Ғаффоров Я.Х.</b> ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ ХОРИЖИЙ ТАРИХЧИЛАР ТАҲЛИЛИДА.....	643
<b>86.Шайдуллаева Г.Ш.</b> БАҚТРИЯ ЛАЗУРИТИНИНГ ҚАДИМИЙ МЕСОПОТАМИЯ ШАҲАРЛАРИГА ТАРҚАЛИШИ ҲАҚИДА ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАР.....	651
<b>87.Yakubova Sh.A.</b> O'ZBEKISTONDA FARMATSEVTIKA RIVOJLANISH TARIXIDAN.....	659

# ЎТМИШГА НАЗАР ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ LOOK TO THE PAST

Хатамова Зумрадхон Назиржоновна,  
Фарғона политехника институти  
Ўзбекистон тарихи кафедраси ўқитувчиси

## ҚЎҚОН ХОНЛИГИДА СОЛИҚЛАР ҲИСОБИГА ТЎЛДИРИЛГАН ХАЗИНАНИНГ САРФ ЭТИЛИШИГА ОИД МАЪЛУМОТЛАР

*For citation: Xatamova Zumradxon Nazirjonovna. INFORMATION ON THE PROVISION OF THE FUND IN THE KOKAND KHAN. Look to the past. 2020, SI, pp.590-595*

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9599-2020-SI-79>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада Қўқон хонлигида солиқ тизимининг анъанавий бошқаруви натижасида давлат хазинасининг тўлдирилганлиги ҳамда сарф этилишига оид маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Марказий архивида сақланаётган қўлёзма ҳужжатларга таянган ҳолатда таҳлил этилган. Мамлакатда хазинадаги маблағ ҳисобига мадрасалар барпо этилган, шифохоналар, кўприклар, карвансаройлар, бозор ва ҳаммомлар бунёд этилган ва мавжудлари эса таъмирланиб турилганлиги ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** солиқ, хазина, дафтар, харажат, бюджет, ўтин, гўшт, пул, бек, хон, кийим-кечак.

Хатамова Зумрадхон Назиржоновна,  
Преподаватель кафедры История Узбекистана  
Ферганского политехнического института

## ИНФОРМАЦИЯ О ПРЕДОСТАВЛЕНИИ КАЗНИ В КОКАНДСКОМ ХАНСТВЕ

### АННОТАЦИЯ

В статье анализируются данные о пополнении и использовании государственной казны в результате традиционного налогового администрирования в Кокандском ханстве на основании рукописных документов, хранящихся в Центральном архиве

Республики Узбекистан. Медресе были построены за счет казны, были построены больницы, мосты, караван-сарай, рынки и бани, а существующие были отремонтированы.

**Ключевые слова:** налог, казна, тетрадь, стоимость, бюджет, дрова, мясо, деньги, двор, хан, одежда.

**Xatamova Zumradxon Nazirjonovna,**  
Lecturer, Department of History of Uzbekistan  
Fergana Polytechnic Institute

## INFORMATION ON THE PROVISION OF THE FUND IN THE KOKAND KHAN

### ABSTRACT

The article analyzes data on replenishment and use of the state treasury as a result of traditional tax administration in the Kokand Khanate based on handwritten documents stored in the Central Archive of the Republic of Uzbekistan.

**Index Terms:** tax, treasury, notebook, value, budget, firewood, meat, money, yard, khan, clothes.

Долзарблиги. Давлатлар тарихини ўрганишда иқтисодий ҳаётида солиқ тизимининг муҳим эканлигига дуч келинади. Қўқон хонлиги тарихини ўрганишда ҳам солиқ соҳасида олиб борилган ва амалга оширилган ислоҳотлар натижасида давлатнинг иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланганига гувоҳ бўлинади. Ҳар бир давлатнинг иқтисодий асоси ҳисобланган солиқлар натижасида йиғилган бойликни ёки тўлдирилган хазинани қандай сарф этилганлиги ва унинг қонуний тартибларини ўрганиш муҳимдир.

### 2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

Қўқон хонлиги тарихига оид қимматли маълумотларни С.Нуркен, В.Григорьев, А.Кун, А.Хорошхин, А.Гейнс, Н.Пантусов, А.Миддендорф, В. Наливкин, А.Зимин, Н.Остроумов, С.Абдугаффаров, В.Наливкин, А. Жувонмардиев, А.А.Троицкая, Р.Н.Набиев, А.П.Қаюмов, Ф.Фаффоров, Э.Хуршут, Ҳ.Н.Бобобеков, А.Хасанов, Ш.Воҳидов, Ш.Юсупов, Г.Агзамова, Д.Сангирова, В.Ишқувватов, З.Илҳомов, Б. Турсунов, Муҳаммад Яҳёхон, Ш.Махмудов каби тарихчи олимларимизнинг китоблари, тадқиқот манбалари, мақолаларидан ўқиб ўргана оламиз [1,Б.22]. Хонликнинг солиқ тизимига оид маълумотларни М.Жувонмардиев, Р. Набиев, А. Ўринбоев, Ҳ. Бобобеков, Ш.Махмудов каби олимларнинг тадқиқотларида қисман ёритиб ўтилганлигини кузатамиз [2,Б.75]. Хазинанинг сарф этилиши ҳақидаги маълумотлар илк бор Ўзбекистон Республикаси марказий архивида сақланаётган ҳужжатларни форс тилидан таржима қилиниб муомалага киритилмоқда.

### 3. Тадқиқот натижалари:

Қўқон хонлиги солиқларини ўрганиш давомида аҳолидан йиғилган солиқларни мамлакатнинг ижтимоий-маданий соҳаларига сарф этилганлиги мамлакатда аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинганлигидан дарак беради. Шу мақсадда Қўқон хонлиги тарихига оид архив ҳужжатларни ўрганиш мобайнида солиқлар натижасида тўлдирилган давлат хазинасидаги бойликлар нималарга сарф этилганлигини ўрганиб чиқилди. Мамлакатда мадрасалар барпо этилган, шифохоналар,

кўприклар, карвансаройлар, бозор ва хаммомлар бунёд этилган ва мавжудлари эса таъмирланиб турилган. Бундан ташқари мадрасаларга хоннинг буюруғи билан керакли озиқ-овқат махсулотлари ҳам етказиб бериб турилган. Масалан, Ёр- масжид худуди аҳолисидан йиғилган "ғалла-и сафид", "ғалла-и сийоҳ"лардан (доннинг турлари) Олти-ариқдаги Далаил-хон ва Эшон мадрасаларига ажратиш белгиланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд.[3. №2273д] Ушбу мадрасаларга дондан ташқари гуруч, ўтин ва пуллар ҳам ажратилганлиги ёзиб ўтилган.

Хонга тегишли мол-мулк омборига ҳамда ҳазинага тушувчи нарса яъни мол-мулк, қимматбаҳо буюмлар, пул, танга кабиларни назорат қилувчи ва хазинага тушувчи маблағни ҳисоб-китоб қилувчи масъул кишилар бўлиб, улар ҳам хон девонининг масъул шахсларидан ҳисобланганлар. Масалан, Кўқон хони саройида хизмат қилган "мирзаи дафтардор" солиқлар ва тушумлар асосида хон хазинасининг аҳволи ҳақида дафтарга қайд этиб борган. Саркор ва иноқ эса хонлик хазинасига қабул қилинадиган солиқ эвазига олинган махсулотларни сақловчи ҳисобланган. Агар улар пуллардан иборат бўлса, уни "мехтар" ёки хоннинг ғазначиси қабул қилган. Шунингдек, у хоннинг барча қимматбаҳо буюмларини бошқарувчиси ҳам ҳисобланган.[4.1.147] Шундай қилиб хонликлар даврида ер эгалиги муносабатларининг янада ривожланиши солиқларнинг турлари ва шакллари ортиши ва ўзгаришига ҳам олиб келганлигини қайд этиш зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, ўз даврида хон, амир, бек ва давлат хазинасини тўлдиришда умумдавлат бюджети ва маҳаллий бюджетлар муҳим аҳамият касб этган. Масалан, Кўқон хонлигида хон хазинасига келиб тушадиган солиқлар хоссачи деб, маҳаллий бюджет эса бек хазинаси деб аталган.[4.2.149]

Хазинадан катта маблағ саройнинг турли харажатлари учун олинган.

Масалан, 1874-йил Худоёрхон томонидан Муҳаммад Содиқ кўриқчига "муборакнома" ёзиб берилган. Унга кўра Муҳаммад Содиқ кўриқчи сарой харами учун ўтин олиб келиши лозим бўлганлиги учун унга сарой ишларидан маълум вақт озод этилиб таътил белгиланади ва хазинадан йўл харажатлари ва ўтин сотиб олиш учун маблағ ажратилади [3.№2273]

Кўқон хонлигига ташриф буюрган япон меҳмонининг қайтиб кетгунича бўлган вақтларда ҳавфсизлигини таъминлаш ва уни кўнгилдагидек меҳмон қилиш учун хазинадан маблағ ажратилади. Бу тўғрисида "хат" шаклидаги ҳужжат мавжуд. [3.№2278д]

Хива хонлигидаги бозорлардан Кўқон хонининг саройи учун махсус безаклар ва қимматбаҳо буюмлар келтирилганлигини баён этувчи "рўйхат" дафтар мавжуд бўлиб унда хон оиласидагилар ва аёллари учун ҳам кийим- кечаклар, пойафзаллар, бош кийимлар ҳарид қилинганлиги, нечта ва қанча пулга олинганлигининг рўйхати келтирилган. [3. № 2280д]

Сарой хазинасидан хоннинг йўл харажатлари учун, хоннинг отлари ва отхоналари харажатлари учун, ўтин харажатлари учун, қамиш харажатлари учун, гишт ишлаб чиқариш заводлари харажатлари учун, албастр ("бўр") пишириш учун, гургут ишлаб чиқариш харажатлари учун, бинолар қурилиши ва таъмирланиши харажатлари учун, даҳмалар қурилиши харажатлари учун, усталар ва қора ишчилар маошлари учун, маъмурий бошқарувда хизмат қилаётган амалдорларнинг ойлик маошлари учун, мансабдор шахсларга қимматбаҳо кийим-кечаклар ҳадя этиш учун, девонхона ишлари харажатлари учун, масжид, мадрасалар қурилиши каби ишларга ҳам катта маблағ ажратилиб турилган. Куйида уларга бирма-бир тўхталиб

ўтилган.

Худоёрхонни Акбаробод ва Яккатутда тўхтаб ўтган вақтида унга меҳмондўстлик қилган Мавлонбекга "жаъм сарфи" дафтари берилади ва унинг имтиёзи шундан иборат бўладики, Қоратепадан Ёрмозоргача ва Марғилон шаҳри ҳудудидан йиғилган солиқлар ҳисобидан Мавлонбекга пул ажратилиши кўрсатилади. Бу ерда шунини тушунишимиз мумкинки, маҳаллий амалдорлар хон учун қилган сарф-харажатлари изсиз қолиб кетмаган, хон хазинасига келиб тушиши керак бўлган солиқлар ҳисобига тўлдирилган.

Худоёрхоннинг йўл харажатлари рўйхати ёзилган "дафтар" хонни Ёрмозор, Қора-тепа ҳудудида бўлган вақтида ҳам ёзилган бўлиб, бу дафтарларга сарой харажатлари ҳам киритиб ўтилган. Худоёрхоннинг шундай йўл харажатларига оид "дафтар"ларидан бири Мирза Улуғ томонидан ёзилган бўлиб унда идиш товоқлар, хўжалик анжомлари ва майда харажатларга ажратилган пул суммаси келтириб ўтилган. [3. №2281д] Бундан ташқари Муҳаммад Расулхўжа томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга сарой хазинасидан катта миқдорда пул ажратилганлиги қайд этилган ва саройга мато, ипак, шамлар келтирилганлиги, бу маҳсулотларни саройгача келтириш учун ёлланган араваларга тўланган пул хизмати ҳам киритиб ўтилган.

Шу "дафтар"нинг ўзида Мулла Файзулло саройга олиб келган ўтин миқдори ҳамда хазинадан ажратилган пул ва ўтинни олиб келиш учун сарфланган арава ҳаққи ёзилган.

Кейинги бетда Худоёрхоннинг сафарга чиққан вақти истеъмол қилиш учун Мулла Содиқ Саркор томонидан олиб келган гўшт маҳсулотларинингмиқдори ва нарҳлари рўйхат шаклида ёзилган ва унга хазинадан ажратилган пул миқдори ҳам ёзилган. [3. №2281д]

Ушбу ҳужжатнинг кейинги вароғида Худоёрхоннинг Қора-тепага келган вақтида ишлатилган шам ва чироқлар ёғига кетган сарф-харажатлар миқдори ёзилган.

Муҳаммад Содиқнинг ўғли Эшмуҳаммад томонидан Баходир бойга ёзилган "хат"да хон отхонасига сотиб олинishi керак бўлган зотдор отлар рўйхати ва нарҳлари ёзилган.[3.№2285д] Албатта бу пуллар хазинадан ажратилган эди.

Хоннинг учқур отлари - "асп-и пойгачи" лар учун янги эгар-жабдуқ, намат, отнинг ёпинчиғи ва бошқа нарсалар сотиб олинганлиги тўғрисида баён қилувчи "ариза хат" ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳужжатни ким томонидан ёзилганлиги номаълум бўлсада, мазмунига кўра хазинадан пул ажратилганлигини билишимиз мумкин.[3. №2283д]

Хазинадан ишлатилган пуллар ҳақида маълумот берувчи ҳужжатлар орасида "ариза"лар ҳам учрайди. Бундай "ариза"лардан бири Худоёрхонга номаълум шахсдан ёзилган бўлиб, унинг мазмунига кўра Шўрқишлоқ, Гунжа қишлоқ, Бўрқишлоқ, Янги-қишлоқ ҳудуди аҳолисидан сотиб олинган беданинг неча боғламлиги, пули ва сарой отхонасига олиб келиш учун кетган сарф харажатлар ёзилган. [3. №2288д]

Сарой хазинасидан хон отхонаси учун ишлатилган маблағларнинг кунлик сарф-харажатлари ёзилган "дафтар" мавжуд бўлиб, унда Худоёрхон отларнинг ем-хашаги учун кимдан неча пулга беда ва жўхори сотиб олинганлиги қайд этилган. [3. №2291д] Хоннинг яқин кишиларининг отларига кетган харажатлар ҳам баъзан хазинанинг ҳисобига амалга оширилган. Мисол учун, Ёр-масжид ҳудудидаги Худоёрхоннинг яқин кишилари, тўраларининг отлари учун жўхори ва беда сотиб олиш учун хазинадан олинган пул харажатлари қайд этиб борилган "дафтар" мавжуддир. [3. №2292д]

Кўқон хонлигининг саройида ўзига хос белгиланган қоидаларга кўра баъзи амалдорлар ва рухсат берилган шахсларнинг давлат хизматида бўлган отларига кетган харажатлар хазинадан ажратилган маблағлар ҳисобига амалга оширилган. Юсуф мингбоши парвоначида "эслатма патта" мавжуд бўлиб, бу ҳужжат Курбонали эшикоғасига маълумот учун берилган. Унга кўра - усталар ва камон отувчи ( найзагарон) ларнинг отларига кунлик беда олиш учун пул ажратилганлиги тўғрисида қайд этилган. Ушбу ҳужжат 1843-йил 18- феврал ойида ёзилган, унинг орқасида Юсуф мингбоши парвоначи ибн Бобо - бой - бийнинг муҳри қўйилган. [3. №2293д]

Сарой хазинасидан Норбўтабийнинг отларига кунлик беда учун пул ажратилганлиги ҳақида Курбон Али Саркорга Юсуф Али парвоначидан "эслатма патта" ёзиб берилган. [3. № 2294д]

Яна бир "эслатма патта" да сарой хазинасидан пул олинганлиги қайд этилади. У Муҳаммад Содикга Юсуф Ҳайит Назар дадҳоҳдан ёзилган бўлиб, Холназар чўпон отбоқарга беда ҳамда сутларни қайнатишга ўтин сотиб олиши учун ҳар кунлик маош-пул бериш тўғрисида ёзилган. Орқасида Юсуф Ҳайит Назар дадҳоҳнинг муҳри босилган.

Ўтин харажатлари учун ҳам сарой хазинасидан катта маблағ ажратилганлигини архив ҳужжатларини ўрганиш мобайнида билиб оламиз. Яна бир "қайд дафтар" да жарчибоши ва хоннинг Янги боғ деб номланган боғида ишлатиш учун ўтин ( янтоқ) олинганлиги ва хазинадан пул ажратилганлиги қайд этилган. Ушбу дафтарнинг боши ва охири сақланмаган. [3. № 2297]

Ҳужжатлар орасида Худоёрхонга номаълум шахс томонидан ёзилган "жавоб олиш хати" ҳам учрайди. Унга кўра, Султон Муродбекнинг тўйига Эшон қишлоқ ва Тарбаға қишлоқлардан ўтин олиб келиш учун хазинадан олинган пул миқдори ёзилган. [3. № 2298]

Навбатдаги ҳужжат Худоёрхонга номаълум шахсдан ёзилган "жавоб олиш хати" бўлиб унда иккита масала қайд этилган:

- 1) Албастер ва гишт таёрловчи ( ҳишхона, бўрхона) устахонага ўтин ва янтоқ олиб келиш учун пул ажратиш лозимлиги ;
- 2) Афғонбоғдаги қурилиш учун ва хон ўрдаси таъмири учун қамиш олишга маблағ ажратилганлиги. [3. №2300д, 5.79-б.]

Худоёрхоннинг ўзига қарашли бўлган гишт заводлари сарф харажатларига хазинадан вақти вақти билан пул ажратилиб турилган. Масалан, бир "ариза"да номаълум шахсдан Худоёрхонга гишт заводининг печларини қизитиш учун ўтин сотиб олиш кераклиги ва унга пул ажратиш лозимлиги баён этилган. [3. № 2299д]

#### 4. Хулосалар:

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, Марказий Осиё худудларида мавжуд бўлган хонликлардан энг ёш ва навқирони бўлган Кўқон хонлигида маъмурий бошқарув тартиб қоидаларига кўра хазинанинг сарф қилиниши алоҳида дақтарларда қайд этиб борилган ва девонхонада сақланган. Россия босқини даврида хонлик девонхонасининг ҳужжатлари кўпи йўқолган, Ўзбекистон Республикаси Марказий архивида сақланиб қолганларининг қўплари эса тўлиқ холда етиб келмаган. Шундай бўлсада солиқ тизимига оид қўлёзма ҳужжатлар орасида хазинанинг сарф этилишига оид бўлганларини ўқиб ўрганилди.

---

**Иқтибослар/Сноски/References**

---

[1] Plyoskhon Burhanov. Influence of the tax system on political life in the administration of the Kokand khanate. 2019, vol. 1, issue 19, pp. 21-27.

[2] Zumradxon N. Xatamova. The tax system history of Kokand. 2019, vol. 1, issue 13, pp. 75-86.

[3] ЎМА, И-1043, 1-рўйхат, №2273дафтар, 1-вароқ; №2278дафтар, 1-вароқ; №2280, 1-вароқ; №2281, 1-вароқ; №2300дафтар 1-вароқ; № 2299дафтар, 1-вароқ; №2281дафтар, 3-вароқ; №2285дафтар, 1-вароқ; №2283дафтар, 1-вароқ; №2288дафтар, 1-вароқ; №2291дафтар, 1-вароқ; №2292дафтар, 1-вароқ; №2293дафтар, 1-вароқ; № 2294дафтар, 1-вароқ; № 2297 дақтар; № 2298-дафтар; №2300дафтар 1-вароқ; № 2299дафтар, 1-вароқ. (Документы Центрального Архива Республики Узбекистан И-1043, 1-рўйхат; Archives Republic of Uzbekistan И-1043;)

[4] Бобобеков Х, Каримов ва бошқалар Ўзбекистон тарихи. - Т., 2000. 147 бет. (Бобобеков Х., Каримов и др. История Узбекистана. - Т., 2000. 147 с. Bobobekov X, Karimov and others History of Uzbekistan. - Т., 2000. 147 pages.)

[5] Tojiboev U., Shavkat I. Formation processes in the Fergana valley in the years of the soviet union (Based on the analysis of the first stage of tourism development from 1920 to 1936). 2019, vol. 1, issue 21, pp. 78-82

## ЎТМИШГА НАЗАР

---

## ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

---

## LOOK TO THE PAST

### МАХСУС СОН

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000